



**ПРОФИЛАКТИКИ ИНСПЕКТОРИНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА САЛБИЙ
ТАЪСИР КУРСАТУВЧИ ИЖТИМОЙ ИЛЛАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

А.О.ОДИЛОВ

ИИВ АКАДЕМИЯСИ 314-ГУРУХ КУРСАНТИ

Ҳар бир жамиятда вояга етмаганлар ҳар бир давлатнинг келажагини, салоҳиятини белгиловчи муҳим ижтимоий қатлам саналади. Зеро, ҳар бир жамиятнинг ҳолати, тақдири ва истиқболи унда яшаётган вояга етмаганларнинг салмоғи, маънавияти ва онглилиги даражаси билан белгиланиши шубҳасиз. Бу халқимизда «Нима эксанг шуни ўрасан» қабилдаги мақолнинг мантиқий ифодаси сифатида талқин этилиши ҳам бежиз эмас. Вояга етмаганлар жамиятнинг эртанги келажаги, унинг фаол аъзоси, таъбир жоиз бўлса жамият эртасининг муносиб ворисларидир. Мазкур нуқтаи назарга кўра ҳам вояга етмаганлар давлат ва жамият томонидан доимий эътибор талаб этадиган ижтимоий қатламдир.

Мустақиллик шарофати боис юртимизда иймонли, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган, дунёни янгича идрок этадиган, ўз тақдирини ватанининг тақдири билан боғлиқ, деб биладиган янги авлод вакилларининг вужудга келишига имконият яратилди.

Жамиятнинг янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатнинг модернизация ва ислоҳатида амалга оширилаётган кенгислоҳотлар, сиёсий тизимнинг янгилаш, ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янадатўлароқ таъминлаш, шахсун қонунларни бузишдан кўраунга амал қилишни рағбатлантирувчи ҳуқуқий тизимни яратиш йўлида давлатимизда жуда муҳими шароитлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев “Ўсиб келаётган авлодни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишга, вояга етмаганлар жиноий фаолиятга, авваламбор, терроризм ва диний экстремизмга жалб этилишининг олдини олишга етарлича эътибор қаратилмаяпти, ички ишлар органларининг тарбиявий ўрни сезилмаяпти”¹ деб таъкидлаган эди. Айниқса, бугунги кунда вояга етмаганлар ва вояга етмаганларнинг онгига салбий таъсир кўрсатувчи турли омилларнинг мавжудлиги, хусусан, ғарб маданияти билан бирга “оммавий маданият” таъсирларининг сезиларли даражада кучайганлиги ва булар фуқаролардаги ғарижтимоий хулқ-атворни шаклланишига олиб келиши ушбу мавзунинг долзарблигини янада оширади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли қарори.



Бугунги кундаги талаблардан ва ўтказилган илмий-амалий тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, профилактика инспекторининг вояга етмаганларга салбий таъсир курсатувчи ижтимоий иллатларнинг олдини олиш фаолиятини қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш мақсадга мувофиқ:

— аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида;

— вояга етмаганларга салбий таъсир курсатувчи ижтимоий иллатларнинг олдини олиш фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш ва қонунчилик соҳасида;

— вояга етмаганларга салбий таъсир курсатувчи ижтимоий иллатларнинг олдини олиш фаолиятини кадрлар билан таъминлаш борасида;

— вояга етмаганларга салбий таъсир курсатувчи ижтимоий иллатларнинг олдини олиш фаолиятида ижтимоий ҳамкорлик борасида;

— вояга етмаганларга салбий таъсир курсатувчи ижтимоий иллатларнинг олдини олиш фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини услубий таъминлаш борасида;

— вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ёт ғоялар, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликни олдини олиш соҳасида;

— ушбу соҳада амалга ошириладиган профилактика тадбирларини объектлари ва субъектлари доирасини кенгайтириш борасида;

— ёт ғоялар, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга нисбатан қўлланиладиган чоралар борасида;

— ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар фаолиятини самарали ташкил этиш борасида;

— вояга етмаганларга салбий таъсир курсатувчи ижтимоий иллатларнинг олдини олиш фаолиятида ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш борасида.

Ёт ғоялар, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликни олдини олишга, унга қарши курашишга доир қўшимча таҳлил қилиш зарур. Қонунчилик ёт ғоялар, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг бугунги кўриниши, уларнинг сабаблари ва шароитларидан келиб чиқиб ўрганилиб чиқилиши лозим. Жумладан Н. Т. Убайдулла-зода қонунчилик борасида экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги қонунни қабул қилишни таклиф этади. Ушбу Қонунда

экстремизмга қарши курашиш, экстремизм профилактикаси, экстремизмга қарши курашда давлатнинг жамоат ва диний бирлашмалар, бошқа ташкилотла ва, фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, экстремистик фаолиятни амалга оширганлик учун жазонинг муқаррарлиги каби экстремизмнинг олдини олиш борасидаги ишларнинг ҳуқуқий асослари белгиланиши керак.



"PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



Вояга етмаганларга салбий таъсир курсатувчи ижтимоий иллатларнинг олдини олиш соҳасида билим юртларининг ўрни беқиёслигини инобатга олиб, олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар фан дастурларига “Вояга етмаганларга салбий таъсир курсатувчи ижтимоий иллатларнинг олдини олиш” номи билан фан киритиш лозим. Бу фанлар келгусида фаолияти йўналишлари қаторида ҳуқуқбузарликлар пррофилактикаси бўлган таълим йўналишларига тадбиқ этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари соғлиқни сақлаш муассаларида айнан гиёҳвандлик ва ичкиликбозликни олдини олиш борасида фаолият олиб борадиган штат бирликларини ташкил этиш лозим. Бу лавозимга тайинланган шахс асосий фаолияти фуқаролар орасида турли тушунтириш ишларини олиб бориш, алкоголизм ва гиёҳвандликка мубтало бўлган шахсларнинг мажбурий даволаш борасидаги ишларда ИИО билан ҳамкорлик қилиш, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва барҳам бериш борасида тегишли органларга кўмаклашиш каби вазифалар юклатилса мақсадга мувофиқ бўлади.

